



Ишдаги камчиликлар ҳақида

Мен Термиз шаҳар ИИБ-да хизмат қиламан. Иш-таж-жим унча кўп эмас. 1989 йилдан буён соқчилик бўла-ғида ишлаб келмоқдаман.

Фаолиятимиздаги айрим камчиликларга тўхталмоқчи-ман. Чунинчи, бирон жино-ятчи, қонунбузарни ушла-ган вақтимизда уни бўлимга олиб бориш қайғуси тушади. Негаки ҳеч қандай уловимиз, кишанимиз йўқ. Қўлини орқа-сига қайириб, жамоат улови-га чиқиш нақадар қулайсизли-гини, бунинг устига бошқа-ларда ёмон таассурот қолди-ришини ўйлаб кўринг.

Бундан ташқари хизматимиз тунги соат 1 ларда тугайди. Бир яримларда тарқаламиз. Аммо уйга элтадиган на хиз-мат, на жамоат улови бор. Уйларимиз ишхонадан олис-да. Амал-тақал қилиб етиб борсанг ҳам кўзинг юмил-масдан яна орқага қайтиш керак.

Агарда бу каби камчилик-лар бартараф этилса, руҳи-миз ҳам кўтариларди, ишда унум ҳам бўларди.

Шавкат ИСМОИЛОВ,
Термиз шаҳар ИИБ хо-дими милиция кичик сер-жанти.



Давлат автомобиль назорияти ташкил топган куннинг 55 йиллиги муносабати билан тақдирланганлар орасида Фар-ғона вилояти ИИБ ДАНБ ходими, милиция катта сержанти Бахтиёр Мақсудов ҳам бор эди. У жумҳурият ички ишлар вазирлиги Фахрий ёрлиғига муносиб топилганди.

Бахтиёр бундан мағрурланиб кетмади. Аксинча, тиниб-тинчимаслиги, талабчанлиги ва энг муҳими ҳалоллиги билан ҳамкасбларига намуна кўрсатяпти. Лўнда қилиб айтганда, тинчлик посбонларининг касб байрамларини муайян ютуқ-лар билан кутиб олмақда.

СУРАТДА: Б. Мақсудов йўл ҳаракати қондасини бузган С. Алимов билан суҳбатда.

Сураткаш Усмон МУҲАМЕДОВ.

Рўзнома ва ойнома саҳи-фаларини кўздан кечирган-нингизда, овознигор эшит-тиришларини тинглаб, ой-наи жаҳон кўрсатувларини томоша қилганингизда кўп нарсаларнинг шохиди бўла-сиз. Умуман, оммавий ах-борот воситалари илғор тажрибаларни ёйиш, дол-зарб муаммоларни кўтариб чиқиш ва уларни муштарий-лар ҳукмига ҳавола этиш борасида катта ўрин тут-ади.

Менга «Давра столи» ат-рофидаги суҳбатлар жуда ёқади. Бундай суҳбатларда ҳозирги иқтисодий қийин-чиликдан чиқиш, халқ тур-муш фаровонлигини яхши-лаш ва бошқа муаммолар юзасидан мутахассислар ўзаро фикр алмашадилар.

Менда шундай таклиф бор. Ойнаи жаҳон орқали ички ишлар идоралари хо-димлари иштирокида ҳам ана шундай кўрсатув таш-кил қилиш керак.

Кўпчиликда «Ўзбекистон жумҳурияти ИИБ матбуот маркази хабар қилади», «Инсон ва қонун», «Чорра-ҳа» сингари ҳуқуқий мав-зудаги кўрсатувлар, ҳу-қуқий видеоканаллар на-моёниш этиляптику, «Давра столи»нинг нима кераги бор, деган савол туғили-ши мумкин. Лекин менга юқорида санаб ўтилган кў-рсатувлардан ташқари яна нимадир етишмаётгандек туюлади. Масалан, 10-15

дақиқа давом этадиган ах-боротда жумҳуриятда фош этилган жиноятлар, беда-рак йўқолганлар, кимни-дир тунаб кетишгани ёки жиноятчилар гуруҳи қўлга туширилгани ва ҳоказолар ҳақидагина хабар берилади, холос. Мен ташкил этилиши зарур деб ҳисоблаётган «Давра столи» эса юқори-дагилардан кескин фарқ қи-лиши керак.

ТАКЛИФИМ БОР

«ДАВРА СТОЛИ» ЗАРУР

Кўп йиллардан буён ички ишлар бўлимида ишлаб ке-ламан. Оддий милиционер-ликдан туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўрин-босарлигигача кўтарилдим. Шу давр мобайнида тажри-бали устозларимдан кўп нарсаларни ўргандим. Ўз навбатида тажрибамни бўли-мимизга ишга келаятган ёш-ларга ўргатаётirman. Ҳо-зирги қийин шароитда ўр-ганган нарсаларим ҳам менга оздек туюлмоқда. Нима қилиш керак? Бошқа вилоятлардаги ҳамкасблар билан ўзаро фикр алма-шишми? Хат орқали, теле-фон орқали бундай ишни

амалга ошириш қийин. Бир-биримизга вакиллар юбориш катта наф бериши мумкин. Бироқ, бунинг доим ҳам уддасидан чиқиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жумҳурият ойнаи жаҳонда «Давра столи» ташкил этиш зарур, деб ҳи-соблайман. Милиция ходим-ларининг бу давраси кўп-чиликда қизиқиш уйғоти-ши турган гап. Мулоқотга ички ишлар вазирлиги ва-килларида ташқари ту-манлардан, вилоятлардан милиция ходимларини так-лиф этиш керак.

Чунки ҳар бир ҳудудда жиноятчи-ликка қарши кураш, ҳу-қуқ-тартиботни мустаҳкам-лаш, милиция ходимларини ижтимоий ҳимоялаш бора-сида ўзига хос тажриба тўпланган. Ходимларнинг ана шулар юзасидан бир-бирлари билан тажриба ал-машишлари фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари кўрсатув иштирокчилари мулоқот давомида томоша-бинларнинг саволларига ҳам жавоб қайтаришлари мумкин.

Бу борада жумҳурият ич-ки ишлар вазирлиги ва «Постда» рўзномаси му-ҳарририяти ибратли та-шаббус кўрсатади, деб умид қиламан.

Анваржон ЗОКИРОВ,
Андижон вилояти Мос-ква тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбо-сари.

Қисқа сатрларда

НОДОН УЛФАТ—КЕЛТИРАР КУЛФАТ

1966 йилда туғилган Л. Евдокимов, 1963 йилда ту-ғилган А. Пономарёвлар 1961 йилда туғилган В. Воякиннинг уйига тўпла-нишди. Меҳмонлар келиш-ганда мезбон бир таниши билан ичиб ўтирарди. Улар шарафига яна шишалар очилди. Агарда Воякин соғ-лиги учун кўтарилаётган қа-даҳларнинг бир неча дақи-қалардан сўнг тешиб чиқи-шини билганида эди, эҳ-тимол ҳуши борида этагини йиғиштириб олармиди.

Ғирт маст бўлган йигит-лар ичкиликнинг камлиги-дан нолишди. Бироқ мез-бон ҳам бўш келмади.

— Текин тешиб чиқади, — дедию балога қолди.

Улфатлари Воякинни теп-килай кетишди. Орага су-қилган номаълум йигитни ҳам қўшиб дўппослашди. Иккисини калтаклаб ўлди-риб қўйган мастлар қочиш-га шайландилар. Бироқ қўш-нилар Ангрен шаҳар ИИБ-га қўнғироқ қилиб улгу-ришганди.

КУЗАТИШ

29 октябрь кун Бухоро шаҳрида яшовчи Ф. Шуку-ровнинг уйига бостириб кирган босқинчилар унга жисмоний тазйиқ ўтказиб,

бор топган-тутганини йиғи-тира бошладилар. Мезбон 2854 сўмлик буюмларини кўздан пахтасини чиқар-ганча «кузатиб қолди».

«ХУШРҮЙ ЙИГИТ»

Шу кун куппа-кундузи Тошкент шаҳар Сирғали ту-манида ўқишдан чиқиб ке-лаётган бўлажак ҳамшира Г. Нуғмонованинг олди-га яқинлашган йигит қизнинг

бўйинига чанг солди. Тилла занжирдан айрилиб қол-ган жабрдийда ИИБга ҳўн-раганча кириб келди. Хай-рият, «хушрўй йигит»нинг сиймоси ёдида қолган экан.

БЕПАРВОЛИК

Термиз шаҳар касалхона-сининг бош врач хонасига кирдию ҳангу манг қотиб қолди. Яқиндагина олин-ган Японияда чиқарилган «РИКО-М-5» тасвир аппа-рати жойида йўқ. 1615 сўмлик бу савилни олиш-

дан ҳам топиш амри-маҳол-ку.

Хабардор қилинган ми-лиция ходимлари касалхо-нанинг қоровули йўқлигига бир ажабланишган бўлса, бирон ташвишгоҳ ўтка-зилмаганини кўриб икки ажабланишди.

ЕГАНИНГ ЎЗИНГНИКИ...

Ҳа, бухоролик Н. Носи-рова ушбу мақолни ёдидан чиқармаганда, ўша бу-юмларни асраб қўймай иш-латарди, йиғиб қўймай ке-рагини оларди. Эшигини ҳам маҳкамроқ қилиб бир қопагон кўппак боқарди.

Ёки жилла бўлмаса хонадо-нини қўриқлаш пультага топишарди.

Ўша кун 28 октябрда уй эшигини бузиб кирган но-маълум шахслар унинг 21.360 сўмлик мол-мулкни йиғиштириб кетдилар.

«БАЛЛИ, ОДАМЛАРИ!»

30 октябрда куппа-кунду-зи (қоқ кундузи деса тўғ-рироқ бўлади) Қорақалпо-ғистоннинг Хўжайли ша-ҳар колхоз бозорида у-бу харид қилиб юрган 64 ёш-ли Н. Ахтамберганиевни бир йигит тўхтатиб, дўқ-пўписа қила бошлади. Куч-қувват-дан қолган бечора қария

ён-атрофдаги лоқайд томо-шабинларга аланг-жаланг мўлтираб боқдию, белига боғланган 1500 сўм пулни сурбетга тутқазди. Ўша ку-ни бозорга бирон эркак зо-ти чиқмаганига ҳайронман. Шунга айтарканда «Камба-ғалини туя устида ит қо-пади», деб.

«РЎЗҒОРИГА ЕТКАЗОЛМАДИ»

Текинтомоқ Алексей И. йўқчиликдан, азбаройи етка-золмаганидан Лариса исм-ли аёлининг сумкасини юлқиб олиб қочди. Ун-да 244 сўм пул ва 161 сўм-лик озиқ-овқат маҳсулотла-ри бор экан. Жами 405 сў-му 93 тийин.

Шўрлик кимга етказол-маганини айтай. Эндигина

туғилган кўзининг оқу қо-раси бўлмиш фарзандига.

Ўн болали оталарнинг ин-софини берсин экан.

Айтинг-айтинг, арзончи-лик бўлгунча бола-чақамиз-ни ўғирликсиз боқиб турай-лик.

М. ИБРОҲИМОВА.

МИРДАДА Раҳимов 1933 йилда Тошкентдаги фирка мактабини тамомлагач, Наманган шаҳридаги босма-хонага ишга юборилди. Аммо у ерда «томир отиш» унга насиб қилмади.

— Сиз бошқа соҳада зарурсиз. Ички ишлар ходимларини лотин алифбосида ўқиш-ёзишга ўргатасиз, — дейишди.

Шу-шу у милиция ҳаёти билан боғланиб қолди. Орадан кўп ўтмай Чуст туманига участка вакили қилиб тайинланди.

Ғайратли йигит эмасми, тез орада бу ишнинг ҳам ҳадисини олди. Худудда жиноятчилик кескин камайди. Энг муҳими, содир этилган қонунбузарлик, катта-кичиклигидан қатъий назар, очилмасдан қолмасди.

Мақсад катта эди, аммо...

Тўсатдан ички ишлар идораси раҳбари бўлиб ишлаётган тоғаси Нурмат Миробидмахсумовни қамоққа олишди. Бечоранинг айби нимада эканлигини ҳеч ким билмади. Ҳамманинг боши қотган. Билган у дейди, билмаган бу.

Орадан бир неча кун ўтгач, Мирдада тоғасини олиб кетиш вақти келганини эшитди. Эшитди ороми йўқолди. Адирлар оралаб, бекин-кимтини темир йўл бекатига борди. Бу ерда минглаб одамлар биргина қизил вагонни ўраб олиб, дод-фарёд чекишаркан эди. Вагон ичидагиларнинг товуши чиқарди, ўзлари кўринмас эди. НКВД ходимлари қуршаб олишган, яқин йўлаб бўлмасди.

Кимдир Мирдаданинг келганлигини тоғасига бақариб айтди.

У ёқдан эса овоз келди:

— Тезда кетсин бу ердан! Унинг жойи ишхонасида. Кетсин! Мени текшириб қўйиб юборишди. Ҳеч қандай айбим йўқ!

Бу тоғасининг овози эди.

Аммо унга қайтиш насиб қилмади. Беш ёш боласи

билан бева қолган аёли Хадяхон ая Мирҳодиева Сталинга, Берияга эрини озод қилишларини сўраб тинимсиз аризалар ёзаверди. У ёқдан эса садо чиқмас эди. Қани энди аёл бу ишларга бош-қош бўлаётганлар ана шуларнинг ўзлари эканлигини билса эди! Аёл ўз мақсадига эришди ҳам. Фақат... орзу 1957 йил 13 сентябрь кuni ушалди.

«Сизнинг эрингиз Миробидмахсумов Нурмат СССР Олий судининг 1957 йил № 13, 16 рақамли пленуми қарорига асосан оқланди». Аёлни қувончи чексиз эди. Чунки шунча йиллик умид, илнжнинг амалга

— Оғзингни юм. Кўра-миз ҳали нарёқда қандай сўзамоллик қилар экансан!

... Арпа уни баҳона дегандай, Мирдада акани қамашди. Бу ерда айбаш материаллари тайёр экан.

«Бозорда халқни йиғиб, уларни тинтув қилиб, ҳукуматга қарши ғазабини қўзғатган;

майда миллатга мансуб жамоа хўжалиги раиси, халқ депутатига қарши суиқасд тайёрлаган».

Имзо чекилса бас.

У ҳар иккала айбни ҳам рад этди. Раис билан юзлаштиришларини талаб қилиб туриб олди. Қайда дейсиз. Юзлаштириша олмади.



нинг ҳозиржавоб хизматкорлари эса ҳамма вақт шай туришарди. Шай турмаганларининг жойи Мирдада акаларнинг ёнида эди.

Наҳотки инсонни шунчалар хўрласалар? Мирдада ака у ёқдан тирик қайтишига ишонмас эди.

Қамоқда ётган милиция ходими биргина унинг ўзи эмас эди. Қўқонлик Колбасенко, Туркменистондан Петрушин деган йигитлар ҳам бор эди.

Лагерь раҳбарлари орасида ҳам одамлилик қиёфасини йўқотмаганлар бор экан. Доленко деган ходим уни ҳар кўрганда:

— Ҳа, ўзбегим, чида. Биламан гуноҳинг йўқ. Сабр қил, — деб далда бериб қўяр эди.

1942 йилда у турмадан чиқиб, тўғри фронтга юнади.

Мирдада ака Раҳимов кўпгина шаҳарларни фашистлардан озод этишда иштирок этди. Ўзини кўрсатди. У кишининг архивидаги бир фронт рўзномасига кўзимиз тушиб қолди. Унда, «Жангчи Раҳимовдай душманни йўқ қилишни ўрган», деган мақола босилган эди. Мақолада қаҳрамонимиз шаънига жуда илиқ сўзлар айтилган.

Ўша қирғинбарот пайтида Мирдада ака икки марта яраланди. Қатор орденлар билан тақдирланди. Фронтдан қайтгач эса қурилиш ташкилотиде турли раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатди.

Унга қалбини яралган ўтмишини эслаш осон бўлмади.

— Сизлар бахтлисиз, — деди чуқур ух тортиб. — Мустақил жумҳуриятда яшайсизлар. Аммо мустақиллиқни кўз қорачигидек асраш лозим. Шундай асраш керакки, бизни хўрлаганлар сизларни топтаёлмасин.

Неъматжон
МАМАЖОНОВ,
милиция майори.

БИЗНИ ХЎРЛАГАНЛАР

ошишига ишонч туғилаётган эди унинг қалбида. Бироқ...

Маълум бўлишича, эри 1942 йилнинг февраль ойида узоқ Сибирь лагерларидан бирида ҳаётдан кўз юмган экан. Худди шу вақтда эса унинг катта ўғли Сталинград ҳимояси учун бўлган жанглардан бирида ҳалок бўлган эди. Аёлни бу дунёда тутиб турган ягона илнж — эри ҳақидаги умид эди. У орадан бир ой ўтиб вафот этди...

Ўша кuni Мирдада Чустга қайтди. Уни бу ерда кутиб туришар эди. Тинтув бошланди. 5 сўмга жарима қилинган протокол қоғозини топиб олишди.

— Нега бунинг бўлимига топширмадинг?

Атайлаб қилгандай бўлимига топширилган 1250 сўм пул учун давлат муҳри билан тасдиқланган котибанинг тилхати чиқиб қолди. — Нега бунинг уйда сақла-япсан?

— Тилхат менга берилган-ку?

Барчаси уйдирма. Камерага ташлашгандан сўнг уч кун ўтмаёқ оёқлари шишиб кетди. Ўн бир ой давомида терговсиз, судсиз ётди. Охири бунга қарши очлик эълон қилишга мажбур бўлди.

Ниҳоят, 1939 йил июль ойида Ўрта Осиё ҳарбий трибунали аъзоси Рейх Рудель раислигида суд бошланди.

Мирдада акага қўйилган сохта айбларни тасдиқлашолмади. Бироқ тинтув чоғида топилган ўша икки та қоғоз бўйича, ишга совуқонлик билан қараган, деб олти йил муддатга қамоқ жазоси белгиланди.

— Хизматни сурма кунидан бошладим, — дейди Мирдада ака. — Новосибирск, Петропавловск, Қарағандадаги лагерларда ҳам бўлдим. Шу уч йил ичида нималарни кўрмадим, қандай азоб-уқубатларни бошимдан ўтказмадим. Инсонни ҳайвондан баттар хўрлашарди у ёқда. Ўтадиган жойимизнинг бир қава-ти тахта бўлса, иккинчиси

темир. Тахтада ётсанг, кана, бит чақиб ташлайди. Темирга эса ётиб бўлмайди. Муз ҳам ундан илиқроқ. Ейидиган овқатимиз эса шўрва. Номигагина. Косамизга икки ёни учта буғдой донаси тушган кун биздан бахтли одам йўқ. Ўн икки кишилик хонага йигирма тўрт кишини тиқишади. Яримиз ўтирсак, қолганимиз тик тураемиз. Бир-биримизнинг гапимизни эшитмаймиз. Орамизда давлат арбоблари, олимлар, НКВД, ДХК ходимлари ҳам бор эди.

Мирдада ака муддатининг охириги бир йилини Қарағандада ўтади. Қарабас лагерида. Бу ерда 11 минг маҳбус бор экан. Шундан 70 фонзи аёллар. Уларни ЧСИР (Члены семьи изменников родины) — Ватан хоинларининг оила аъзолари, деб аташар эди. Энди бунинг таърифлашининг ҳождати йўқ. Ўрларини ҳибсга олишгач, болаларини болалар уйларига топшириб, хотинларини ҳам қамашган. Уларини эса коммунал хўжалик ихтиёрига ўтказишарди. Бу нарсга қатъий тартиб, қатъий сценарий асосида олиб борилар, қатагон машинаси-

— Ўзингизни қўлга олинганда, ўғирланган буюмларнинг тўла рўйхатини тузинг. Агар нархлари ёдингизда бўлса кўрсатинг. Фақат шошилманг, бир бошдан ёзинг, — дея терговчи юм-юм йиғлаётган Алиса Хонни юпатди:

Жабрланувчи қўллари титраганча қалам олиб, қоғозга эгилди.

1. «Весна» магнитофони — нархи 320 сўм;

2. «Весна» магнитофони — 250 сўм;

3. Никоҳ узуги — 570 сўм;

...

20. Аёллар костюми — 280 сўм;

...

30. Эркаклар куртаси — 450 сўм;

...

38. Шиппак — 18 сўм.

Жами — 3056 сўм.

Ушбу ўғирлик бўйича шу йилнинг 7 июли кунёқ жиноий иш очилди. Фуқаро Хоннинг уйи диққат билан кўздан кечирилди. Қолдирилган изларга қараганда, ўғирлар бир неча киши. Пала-партиш ҳаракатлари бу ишда уларнинг анча тажрибасизлигини кўрсатмоқда.

Эҳтимол экспертиза жиноятчиларнинг ёши ҳақида ҳам бирор маълумот берар.

Уч кун ўтиб эрта тонгда Олмалиқ шаҳар ИИБга тагин бир жабрланувчи ташриф буюрди.

У ҳам кўз ёшларини дарёдай оқизганича воқеа тафсилотини сўзлаб берди.

Оператив гуруҳ дарҳол жабрланувчининг уйига йўл олди.

Лариса Эм ўғирланган моллар рўйхатини терговчи-га узатаркан, умид тўла нигоҳини унга қадади.

Терговчи ўқувчилар дафтари-нинг икки варағи тўлган қоғозга кўз югуртирар-

ҲУКМ ИЖРОСИ КЕЧИКТИРИЛДИ

кан, аёлни боқини сезмагандай кўриди. Жами 4844 сўм. Баъзи-бир ҳолатлар Хоннинг уйида бўлган ўғирлиқни эслатар эди. Дастлабки ишлар якунланди. Аммо Эмнинг уйдан чиқиб кетаётган ходимларнинг диққати баногоҳ уларга ташланган итга қаратилди.

Демак, уйга таниш одам кирган.

Эр-хотин Эмларни ИИБга олиб боришга тўғри келди. Терговчи уларга оғир ботсада, қариндош-уруғ, таниш-билишлари рўйхатини бири-бир ёзиб беришларини илтимос қилди.

Гумон ёмон нарсаси. Кишининг ҳаёти дарз кетади. Аммо жиноят ундан ёмон. Янаям ёмони гуноҳкор у ёқда қолиб, гуноҳсизини айблашди. Мана, 100 дан ортиқ кишининг ичидан бири ўғри. Унинг пешонасига эгрилиги ёзилмаган бўлса, топиш осонми? Шунақаси ҳам бўладики, хотираси панд бериб, айнан ўша жиноятчи рўйхатдан тушиб қолади. Нега бу одамни ёзмадинг ёки оғзаки эслатиб ўтмадинг, десангиз, «Э, энг ишонган сирдошимку. Унга ўзимга ишонгандай ишонаман», — дейишади.

Бироқ терговчи Эмларнинг таниш-билишларини кўздан кечираркан, ички бир туйғу билан ўн беш ёшли Владимир Кимга келганда ўйланиб қолди.

Уни сўроқ қилиш учун отаси ҳам бўлимига таклиф

этилди. Аввалига отаси баланддан келди. Бироқ айби борнинг тиззаси қалтирар, деганларидек, Владимирнинг ўзи тилидан илинди. У ёғи эса хамирдан қил сургундек осон кечди. Бирга ўғирликка ундаган шериклари, қаерда яшашлари, ўмарилган буюмларни кимнига яширганликларини ҳақида йиғлаганча гап-риб берди. Отаси ўғли «очилгани» сари ерга кириб бораверди.

Владимир Цой ва Олег Ким 1976 йилда туғилган, Ярослав Приходько 1974 йилда, Владимир Шин 1973 йилда туғилган. Ҳаммаси олмалиқлик.

Болаларнинг ҳар бири ота-онаси иштирокида сўроқ қилинди. Фарзандларимиз муҳтожлик сезмасин, дея далада пиёз экиб, қалди бўкилиб ишлаётган ота-оналар ишларини ташлаб бошларини ҳам қилганча «эркатой»ларининг қилмишларини ҳанг-манг бўлиб тингдиди.

Ўсмирлардан ҳам катталарнинг аҳволи аянчли эди. Қуёшдан қорайиб, қавариб кетган қўллари қалтирар, юзлари янада қорайган. Энгашавериб букилмаган қаддилари букчайиб борарди.

Бироқ фарзандлари лойиқ бўлган жазонинг нақадар оғирлигини ҳис қилган ҳолда терговчига илтижоли боқиб, улар келтирган зарарни хонумонларидан кечиб бўлсада, тўлашга тайёр эдилар. Фақатгина кўзи очилмаган, ёшлик қилиб жиноятга қўл урган болалари қамалмасе бўлгани.

Йўқ, улар қамалишмади. Ҳар бирига тайинланган жазо муддатининг ижроси кечиктирилди. Аммо бу йигитчаларга сабоқ бўлармикан?

Нур БАДИА.



Рихсибой Назаров жамиятда ўз ўрнини милиция сафида деб билди. У ҳарбий бурчини бажариб, заҳирага бўшатиладиган, Тошкент ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кирган эди. Ҳуқуқшунослик малакасини олгач, уни Ҳамза тумани ички ишлар бўлимига ишга юборишди. Мана шунга ҳам ўн йил бўлибди. Яқинда милиция капитани Р. Назаров, участка катта вакили лавозимига тайинланди. Чунки у ёш бўлсада, тажрибали ходимлардан ҳисобланади. Ўзига бириктирилган ҳудудда доимо осойишталиқни таъминлаб келган ва ҳозирда ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда туну кун заҳмат чекимоқда. Кўплаб жиноятчиларни шахсан ўзи қўлга олган.

И. МИНАВВАРОВ суратга олган.

ЭХ, БОЛАКАЙЛАР

Дмитрий, Алексей ва Юралар гапни бир жойга қўйишди. Еш эмасми, режалари ҳам жўнгина бўлди. Рўпарадаги «Берёзка» дўконини ўқуриш. Эшикни бузиб киришган болакайлар 34 дона кир ювиш, 28 та соч ювиш воситаси ва 10 дона бўш ишчаларни ўғирладилар. Аммо уларига етмасданок милиция ходимлари томонидан ушландилар.

Умарилган 148 сўм 50 тийинлик буюмлар дўконга қайтарилди.

Дмитрий 16, Алексей 15, Юра 14 ёшда. Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ суди уларнинг ёшлигини ҳисобга олиб, доимий назорат ўрнатиб, соат 21 дан тоғи 8 гача ота-оналарисиз уйдан ташқарига чиқмаслигини мажбурий белгиледи.

М. ИСРОИЛОВА.



Яқинда «Мулоқот» ойномасида мусулмончилик соҳасида кўзга кўринган таниқли олимнинг мақола-сини ўқиб қолдим.

Унда ёзилишича, Олло-таоло инсонни дунёда энг муътабар ва мукамал қилиб яратганки, ана шу марҳаматга унинг энг содиқ хизматкорлари бўлмиш фаришталар ҳам дастлаб ҳасад қилишган экан. Чунки фаришталар доимо тоат-ибодат билан машғул, инсон эса жамики ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиши, хоҳлаган пайтида тўйиб ух-лаши, ўзи ёқтирган аёлга уйланиши, бола-чақа ортириб, насл қолдириши мум-

Ишлаб чиқаришдаги узи-лишлар, истеъмол моллари таъминотининг издан чиқи-ши ҳаёт учун зарур бўлган кўпгина буюмларни камёб матоҳга айлантириб қўйди. Моддий етишмовчилик эса ўз навбатида чайқовчиликка, ҳозирда хатарли тус олган пинҳоний савдо-сотиққа кенг йўл очиб берди. Фуқароларнинг шахсий мол-мулкларига кўз олайтириш, зўравонлик, босқинчилик, ўғирлик каби жиноий ҳодисалар кўпая бошлади.

Ҳар қандай вазиятда ҳам милиция ходимлари битта мақсад—халқ осойиштали-ни кўриқлаш мақсади билан яшайди. Афсуски, ҳозирги мураккаб даврда бу масъу-лияни вазифани сидқидил-дан ууддалаш осон бўлаётга-ни йўқ. Эл осойишталиги тез-тез бузилаётган экан, мили-циянинг ҳам иши кўпаявера-ди, унинг масъулияти янада ортаверади. Чунки одамлар-нинг ташвиши—милициянинг ташвиши.

Ахир бошига мусибат туш-маган киши милицияга ке-лармиди? Бундай вазиятда бор имкониятни ишга солиб нажот излаб келган инсонга ёрдам берсам, деб ўйлайсан киши.

Шу йилнинг июль ойида ва августнинг бошларида Ўрта Чирчиқ туманидаги кўп-лаб кишиларнинг тинчи йў-қолди. Бирин-кетин фуқаро-

кин. Унга биттаю битта та-лаб қўйилади, у ҳам бўлса инсон деган номнинг муқад-даслигини сақлаш, доғ ту-ширмаслик.

Мен бу ерда диний ғоя-ларни тарғиб этмоқчи эмас-ман. Мақсадим—инсон де-ган сўзнинг улуғворлигини тавсифлаш, холос. Аммо минг афсуски, баъзан бу ҳақда мутлақо ўйламаймиз.

Назаримда, одамнинг ик-кита даҳшатли душмани бор: бири нафс, иккинчиси ҳирс. Имон-эътиқоди йўқ-лар эса билибми-билмайми ана шу душманларга асир бўлишадими, натижада оғир гуноҳни, халқ тавқи-лаъ-натини беихтиёр бўйинла-рига илиб олишади.

1968 йилда туғилган, Чи-лонзор даҳасининг 24-ма-ҳалласида истиқомат қила-диган, аммо бирор жойда ишламайдиган Шухрат Аб-дурахмонов ўша куни ғирт маст эди.

Баъзилар кайфи ошганда ҳеч кимга зиён етказмайди, уйига бориб дам олишни аф-зал кўради. Аммо Шухрат бу тоифадан эмас. Кўнгли «висол оқшоми»ни тилаб қолди.

Бир-бир босиб, жазмани Замиранинг уйига (маълум сабабларга кўра бу аёл-нинг исми ўзгартириб бе-риляпти) йўл олди. Йўлда борар экан, бир неча кун олдин ораларидан ола му-шук ўтганлиги таъбини хи-ра қиларди. Эр бошини эгиб борганини тўшунса—хўп-хўп, акс ҳолда, нима деган одам бўлади? Кейин нима қилади? Эшитган-билганлар қулмайдимиз? Айниқса, ши-шадан улфатлари «Чўқил-ган хўроз, ишлар қалай энди?» деб қулишмайдимиз?

Ниҳоят етди келди. Етиб келдию дили равшан тор-ти. Омадни қаранг, тани-ши Бабарикинани учратди. Саломни қуюқ қилди. Бир оз у ёқдан, бу ёқдан гап-лашган бўлишди. Сўнгра Шухрат мақсадга кўчди.

— Озгина кайфим бор, ўзинг биласан—ноқулай. Мен шу ерда кутиб тура-ман, Замирани чақириб чиқсанг, илтимос...

Бабарикина бир оз ўйла-ниб турди. Йўқ, дейишга ти-ли бормади. Бир кулиб қа-радию:

— Майли, кутиб тур! — деди ва ўзи тепа қаватга кўтарилди.

Орадан кўп ўтмай қайтиб тушди. Унинг ёлғиз экан-лигини кўриб, Шухратнинг кайфияти бузилди.

— Ҳа, нима бўлди?

— Кўрмайсанми, тўнни

тескари кийган. Чиқмади.

— Бор, яна чиқ! Тушсин. Бўлмаса нақ!..

Кийин-қийин — элчига қийин бўлди. Бир кори ҳол бўлмасин, дедию яна тепага кўтарилди. Бу сафар ҳам унинг ҳаракати, Замирага ялиниб-ёлворишлари бефой-да бўлди.

Буни эшитган Шухрат ғазаб ўтида қоврила бош-лади. Ёнидан пичоғини чи-қарди.

— Энди ўзидан кўрсин, ўлдираман!..

Бу аҳволни кўриб, Баба-рикинанинг жонида-жон қол-мади. Шухратнинг қўлига ёпишди.

— Шухрат, ундай қилма, эсингни йиғ!

Аёл кишининг момик қўллари тафтини ҳис қил-ган Шухрат бир сония ўй-ланиб қолди. Кейин мақса-ди тескарисига ўзгариб кет-ди.

— Нима, раҳминг келяп-тими унга? — деб сўради ҳайвоний ҳирсдан титраб-қақшаб.

Кейин эса пичоғни унинг биқинига тиради, иккинчи қўли билан куртқасининг ёқасидан тутди.

— Ундай бўлса, ўзинг... унинг ишини бажарасан. Агар дод солсанг, аяб ўтир-майман. Нариги дунёда кў-расан ўзингни!

Ишнинг чаппасига айла-ниб кетишини кутмаган аёл қарахт бўлиб қолди. Тили калмага келмади. Худо кўрсатмасин, агарда қаршилик кўрсатай деса... Билиб бўладими, маст одам нималар қилмайди!

Шундай қилиб, қассоб етаклаган қўйдек у билан юришга мажбур бўлди.

Улар 18-уйининг ертўла-сига тушишди.

Ким билади, шу ерда Шухратнинг ёдига яна За-мира тушди, ёки бу Ба-барикинани чалғитиш йўли-даги оддий найрангми, ҳар-қалай 13-трубани топиб, тақиллатишни буюрди. Аёл бу сафар ҳам унинг амрига қулоқ қоқмай итоат этди. Шухрат эса устидаги чопо-нини ечиб, ерга тўшади. Кейин аёлни куч билан тор-тиб, «қўлбола жой»га йи-қитди...

Орадан бир неча муддат ўтгач, Бабарикина кучли оғриқни ҳис қилди. Ваҳ-шийнинг пичоғи ёдига туш-ди. Сездирмай суғуриб ол-дида, устидаги эркакнинг елкасига икки-уч марта ур-ди. Кейин бир пой этигини кийишга ҳам юраги дов бермай, ташқарига қочиб чиқди.

Ўша кунийёқ ярадор «ошиқ» шифохонага жўна-тилди ва ҳаёти сақлаб қо-линди. Соғайиб чиққандан кейин эса тергов ҳаракат-лари бошланиб кетди.

Аслида ана шу кўнгил-сизликлардан Шухрат ху-лоса чиқариши, кўзи мош-дек очилиши керак эди. Аммо ундай бўлмади. Яна кўзи сузилиб, тили ғўлди-раб қолгунча ичди. Кейин яна Замиранинг уйига кел-ди. Аввал кўнғироқни бос-ди, кейин тақиллатди. Эшик очилмагач, тегишни ва ово-зининг борица бақириб-ча-қиритиши бошлади.

Унинг шовқин-сурони қўш-ниларнинг оромини бузди. Рўпарадаги хонадон эшиги очилиб, ўша уй эгаси Мух-торбеков чиқиб келди. Қў-лидан келганча насихат қилиб, тинчланишини сўра-ди. Ҳатто кўчагача кузатиб қўйди.

Шухрат кайфнинг зўри-дан ўзини шер билар, наъ-ра тортиб, кўзига кўринган одамни ҳақорат қилаверди. Ҳатто тош отиб, Замира-нинг хонадони ойнасини чил-чил қилди.

Буни кўриб, Конусов де-ган фуқаронинг жаҳли чиқ-ди. Зўравоннинг ёқасидан олиб бир-икки силтади.

— Ҳозироқ йўқол бу ер-дан, акс ҳолда ўзингдан кўр! «Зўр» зўрга дуч келган-да оёғи қалтираркан. Бир оғиз сўз қайтарса, аҳволи чатоқ бўлишини ҳис қилган Шухрат кетишга мажбур бўлди. Аммо бутунлай эмас. Орадан бир мунча вақт ўт-гач, яна қайтиб келди. Чун-ки у 25-хонадонда ҳеч ким йўқлигини биларди. Шу бо-ис, айвон орқали ичкарига кириб борди. Ислаб-излаб 65 сўм пул, икки шиша ароқ, нархи 2 сўм 40 тиын турадиган чарм ҳамён ва 50 сўмлик спорт оёқ кийимини ўмариб, воқеа жойидан го-йиб бўлди.

Йўқ, у буткул қочиб кета-олмади. Қўлга тушди.

Ниҳоят, Тошкент шаҳри-даги Акмал Икромов ту-мани халқ суди унинг ҳам-ма жиноятларини жамлаб, ҳукм чиқарди.

Аслида дунёдаги бор мавжудотлар ичида алоҳи-да меҳр билан муқаррам ва муътабар қилиб яра-тилган Шухрат Абдурах-монов инсон деган муқад-дас номга муносиб бўлолма-ди. Одамзоднинг икки душ-маи — нафс ва ҳирс ғолиб келиб, уни тиканли симлар ортига улоқтириб юборди. Минг афсус!..

Ислом ХУДОЕР.

Шу ўринда уларнинг ота-оналаридан бирон марта ўр-лингиздан «кечалари қаер-да юрибсан?», — дея сўра-ганмисиз, деб суриштиргинг келади.

Маҳалла-қўй, жамоатчилик роли ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Кўп-чилик ёшларга пайд-насихат қилишдан кўра томошабин бўлиб туришини афзал кўра-ди. Тўй-маъракалар, йиғин-ларда эса орқаворотдан уна-қамиш, бунақамиш, фалончи-нинг ўғли қамалиб қолибди, мелиса фалончини ушлаб олибди, дея қўшиб-чатиб га-пириб юришади. Бир-бири-мизга суянч-таянч бўлиш ўр-нига томошабинга айлансак, унда бу ёғи қандоқ кечади?

Милиция ходимлари бо-шингизга бирор мушкул иш тушгандагина эмас, ҳаммаша сизнинг энг яқин дўстингиз, кўмакдошингиз. Биз олдин-гизда ҳеч қачон хижолатда қолмайлик. Биз учун эл осойишталигини қўриқлаш-дан кўра муҳим вазифа йўқ. Шундай экан, бир-биримизга ишониб, қўллаб-қувватлаб иш юритсак, жиноятчилик-нинг пайи қирқилади.

Туман ичим ишлар бўли-мининг ходимлари сизларга доимо хотиржамлик, тинч-лик тилайди.

Ҳ. ИНОЯТОВ,

Ўрта Чирчиқ тумани ички ишлар бўлими бошлигининг муовини милиция капитани.



Олтинқўл туманида йўл-улов ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида ту-шунтириш ишлари олиб бо-риш. уловларни ўз вақ-тида сифатли техник назо-ратдан ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Бу ишларда ДАНБ бошлиғи милиция капитани Йўлдош-хон Исmoilов бош-қош бўл-моқда. У ишни 1983 йилда оддий инспектор вазифаси-дан бошлаган эди. Тез ора-да ўзининг ҳалоллиги, меҳ-натсеварлиги билан жамоа эътиборини қозонди. Қил-ган меҳнатлари етарлича тақдирланиб ДАНБ бош-лиғи лавозимига кўтарил-ди.

СУРАТДА: И. Исmoilов хизмат вазифасини бажа-риш чоғида.

Суратни Б. КЛЕЙМАН олган.

РАДЧЕНКОНИНГ ҚИЛИҒИ

Николай Радченко 1966 йилда Томск шаҳрида ту-ғилган. Тақдир тақозоси билан онаси Хоразм вилоя-тининг Дўжба шаҳрида яшайди. Ўзи эса Волгоград-даги трактор заводида иш-лайди.

Жигарда, онасини кўрга-ни келди. Аммо бир ҳафта ўтмаёқ зерикди. Бекорчи-ликдан санқиб юриб ўзига ўхшаганларни топиб олди. Дарров қўлбола ичимлик ичиб кайфлари ошиб қолди.

— Қани туринглар! Қол-ганини бошқа жойда давом эттирамиз, — деди Нико-лай улфатларига.

— Қаёққа борамиз?

— Кейин биласанлар. У

ерда ҳамма нарса бор.

Ингитлар судралишиб

Лидиянинг уйига боришди.

— Ким? — ичкаридан

аёл кишининг овози эши-тилди.

— Оч, бу мен Коляман.

Дўстларим билан сенкида

бир оз мусиқа эшитмоқчи-миз.

Меҳмонлар ичкарида яна

ичишди. Давлат ва Салима-лар ўрниларидан кўзга-лишди. Бироқ Николай яна

мусиқа эшитишни баҳона

қилиб хонада қолди.

Оғайинлари кетгач:

— Лидия, кел бир кўнгил-хушлик қилайлик, — деб

аёлга ослди. Унинг қар-шилиқ кўрсатаётгани зўра-вонга ёқмади. Аёлнинг юзи

ва бошига мушт туширди.

Сўнгра қорнига тепа бош-лади. Лидия ҳушидан ке-тиб полга йиқилди. Ваҳший-лиги ақл-идрокидан устун

келган йиғит беҳуш ётган

аёлнинг кийимларини еча

бошлади. Аммо жабрдийда

яна қаршилик кўрсатишга

ҳаракат қилди. Николай

унинг бошига графин би-лан урди. Ҳайвоний ҳирси-ни қондиргач, хонадаги

қўлга иллинадиган буюмлар-ни ўмариб, уйига шошилди.

Эрталаб қўшни хотин

Лидияни қонга беланган

ҳолда беҳуш ётганини кўр-ди.

Жиноятни очишда Дўж-ба шаҳар ИИБнинг ЖҚБ

катта инспектори ми-лиция катта лейтенанти Ота-бек Шарипов, участка ин-спектори милиция капитани

Баҳодир Нурматов, Раззоқ

Полвонов ва воёга етмаган-лар иши бўйича инспектор

милиция лейтенанти Ортиқ

Мадрахимовларнинг ҳисса-лари катта бўлди.

Султонбой ХУЖАМУРОТОВ.

Дўжба шаҳар халқ суди-нинг раиси.

ХИЖОЛАТДА ҚОЛМАЙМИЗ

ларнинг шахсий автомашина-лари ўғирланарди. Жўмла-дан, 28 июндан 29 июнга ўтар кечаси Чигирйқ қиш-логидида «Октябрь 50 йил-лиги» кўчаси, 2-уйда яшов-чи А. Кулагиннинг «ВАЗ-2108» белгили «Жигули»си уйидан ўғирлаб кетилди. 18 июндан 19 июнга ўтар кеча-си эса «Горняк» давлат хў-жалигидаги Зелёная кўчаси, 3-уйда яшовчи Сергей Гор-ловнинг ҳовлисида турган «ВАЗ-21063» белгили «Жи-гули»сини ўмаришди. Шу куни Янгихаёт кўрғонидида Вокзал кўча, 5-уй соҳиби Эргаш Аёзовнинг ҳам худди шу белгили машинаси ғойиб бўлди. Орадан кўп ўтмай шу кўрғоннинг Энгельс кў-часи, 1-уйда истиқомат қи-лувчи Мильяс Юсуф ўғли-нинг хонадонига қирқма ов милтиғи билан қуролланган босқинчилар бостириб кириб, зўравонлик билан шу ерда турган Нина Агапотовага те-гишли «Жигули»ни олиб ке-тишди.

Шу орада Тўйтепа шаҳар Коммунистик кўчасидаги 84-уйдан шахсий мулклар ўғир-ланди.

Жиноят устига жиноят.

Бу одамларни ваҳимага со-либ қўйди. Турли миш-миш-лар тарқалди. Милиция хо-димлари хижолатда қолди-лар. Туманда милиция ўғри-лар билан шерик бўлса ке-рак, деган гаплар тарқа-ла бошлади. Жиноятларнинг очилмай қолаётганлиги ана шундай гап-сўзларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётганди. Бу жиноятларни очиш хо-димларимиз учун ор-номус ишига айланди.

У. Ханжаров, У. Мўми-нов, Т. Умаркулов, О. Жу-мабеков, И. Расулов, И. Рих-снев, М. Умиров, Ш. Музаф-фаров, Ғ. Турғунбоев ва Р. Хонтемиров каби ходимлар жиноятларни очишга астой-дил киришдилар. Кечани ке-ча, кундузни кундуз демай ҳаракат қилдилар. Асаббу-зашлар, уйқусиз кечалар, заҳматли изланишлар зое кетмади. Одамларнинг дилига қўрқув солиб юрган босқин-чилар ва ўғрилар қўлга олинди. Қарангки, улар ма-ҳаллий «кадрлар» бўлиб чиқ-ди. Ҳаммаси ёш-ёш йигит-лар.

Энди содир этилган жино-ятларни эслайлик: ҳаммаси кечаси, ярим тунда бўлган.

ҚИСМАТ

Автобустга қўшнимизнинг келини Ҳамидаҳон 4-5 ёшлар чамасидаги ўғли билан чиқди. Улар ўриндиққа ўтиришиб улгуришмаган ҳам эдиларки, автобус ўрнидан қўзғалди. Болакай йиқилиб тушди. Онаси ўғлининг кийимларини қоқар экан, костюми чўнтагида дўппайиб турган нарсга қўли тегиб кетиб сўради:

— Бу нима, ўғлим?

— Ўйинчоқ.

— Ўйинчоқ? Қаердан олдинг?

— Боғчадан.

Ҳамидаҳон ўғлининг чўн-

тагидан ўйинчоқ—балиқчани олиб сумкасига солар экан, фарзандига очиқ чехра билан юзланди.

— Ўғлим, буни уйдаги ўйинчоқларингга қўшиб қўямиз.

Орадан йиллар ўтди. Кечки пайт ишдан қайтаётгандим. Бир аёл Ҳамидаҳон билан гап талашиб турган экан:

— Кеча Дилшоднинг ўғлининг китобини ўғирлабди.

— Ҳа, нима бўпти?

— Ўғлим кўриб қолиб сўраса, йиртиб ташлапти.

Шу қилган иши тўғрими, ахир?

— Ҳой, қўшни, намунча пасткаш бўлмасангиз? Бир эмас, иккита китоб олиб беришга қўрбим етади.

У шундай дея йиртилган китобни унинг қўлидан зарда билан тортиб олиб, уйига кириб кетди.

Орадан йиллар ўтди. Дилшод хунар-техника билим юртида пайвандчилик касбини эгаллади. Ишга кирди. Мотоциклининг овозидан қўни-қўшнилари безор бўлди. Ишдан қайтаётган эдим. Тўрт нафар милиционер Дилшодни олиб кетаётган экан. Унинг қўли боғланган, боши эгилган эди.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ОДОБНИ ОДОБСИЗДАН УРГАН

Мамарайим аканикида тўй. Маҳалладаги уч-тўрт киши бир кун олдин чиқиб сабзи тўғрашга ёрдам берапти. Сабзи тўғралиб, йиғиштириб олингач, ёрдамчиларни дастурхонга таклиф қилишди. Уртага ичимлик қўйилди.

— Ҳамиша тўй бўлаверсин, — дейишиб шишаларни бўшатишди.

Даврада ўтирган Расул мўйлов:

— Пичоғим бояги жойда, кўрпача тагида қолиб кетибди, — дея ўрнидан қўзғалди.

ТҮЙДА

Кўрпача тагидаги пичоқни энгашиб оларкан қўққисдан йиқилди. Яхшиямки, қўлидаги пичоғи кўндаланг туриб қолибди. Бўлмаса, тўй азага айланармиди...

Маҳалла кишилари бир-бирини қақриб ошга келишяпти. Абдураззоқ эшиклари ланг очиқ тўйхонага яқинлашганда икки қўли билан бурнини қоқди. Қўлини

шимига артганча дарвоза ёнида хизматда турган маҳалладошларига сўрашиш учун узатди.

Йиғилганлар стол атрофида ош емоқдалар.

Бир қўшнимиз еб бўлди-ю, чўнтагидан гугурт чиқариб бир донаси билан оғзини катта очганча тишини кавлай кетди. Бир оз кавлагач, у ёқ-бу ёққа алангладида, ўтирган жойида ёнига тупурди.

Ошга чўзилган қўллар беихтиёр сочиққа бурилди.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

ТАҲРИРСИЗ ХАТЛАР ИШОНМАЙМАН

Мана, ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ҳам икки йилдан ошяпти. Лекин ҳеч қандай амалий иш қилинаётгани йўқ бу борада. Қаерга борманг, қаерга қараманг, девордаги ёзувдан тортиб, шiorгача таржимаси билан, яъни рус тилидаги матни билан ёзиб қўйилган бўлади. Бу иш туттишимизда санкиз йил эмас, саксон йилда ҳам ҳеч кимни ўз тилимизга ўргатолмаймиз.

Ҳамма заводлар, фабрикалар, идораларда иш фақат рус тилида юритилади. Ҳанузгача ўзбек тилида ёзадиган машинкалар ҳамма жойда йўқ. Яқин орада бўлмаса ҳам керак. Идораларнинг давлат тилига ўтолмаётганининг оддийгина баҳонаси бу.

Майли, бошқа ташкилотларни қўя турайлик. Қонунни уларга етиб бориши қийинроқдир. Лекин унга бевосита алоқадор ташкилот — ички ишлар вазирлигини олайлик. Бу ерда ҳанузгача тўлиқ давлат ти-

лига ўтилгани йўқ. Бирор қоғозни туруримиз қўзиб, ўзбек тилида ёзиб қўя қолсак, бошимизга ташвиш ортирамиз, холос. Бу қоғозни қабул қилиб олиши керак бўлган одам, албатта ўзбекчани тушунмайдиган киши бўлиб чиқади. Яна барибир таржима қилишга тўғри келади.

Болаларим ҳам мактаб ёшига етиб қолди. Ҳайрон бўлиб турибман. Ўзбек гуруҳида ўқитсамми, рус гуруҳида? Ўзбек тилига ўқитай десам, унинг келажаги, қоғозда эмас, амалда давлат тили мақоми олишига ИШОНМАЙМАН.

Хатни ўқиб бўлгач, бунинг учун сендан бошқа бош қотирадиган йўқми, деб ташлаб юборарсизлар. На илож. Мен эса ҳамма нарсани қонун асосида кўришни хоҳлайман. Ҳар бир қонуннинг ҳақиқий ижросини (қоғозда эмас) кўрсам дейман.

**З. АЛМАМАТОВ,
С. Раҳимов тумани.**

БОШҚОТИРМА



Куйида таърифлари баён этилган сўз ва номларни топиб, «очкич»ни очинг.

1. XIII аср форс-тожик мутафаккир адиби Саъдий Шерозийнинг фалсафий достони — 11, 12, 5, 9, 1, 13.
2. Алишер Навоий достонидаги вафодор аёл — 3, 7, 8, 3, 2.
3. Мақсадга эришиш йўлидаги қатъият — 2, 17, 1, 4, 7.
4. Жумхуриятимизда чиқадиган ҳажвий мажалла — 14, 15, 6, 9, 15, 14.
5. Халқ оғзаки ижоди тури — 10, 17, 9, 7, 16.

Энди шаклдаги рақамларни жавоблардаги мос ҳарфлар билан алмаштириб ўқисангиз, ўзбек мумтоз шоири Мунис Хоразмийнинг икки мисра ҳикмати билан олисангиз.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

АКС-САДО

МЕҲНАТ—ТАРБИЯЧИ

Менинг назаримда ўсмирлар ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғуллансалар, жиноят қилишга вақтлари ҳам бўлмайди. Масалан, илгарилари мактабларда дурадгорлик, техника, тракторчилик каби тўғараклар мавжуд эди. Болалар меҳнатга ўрганиш билан бирга, уни ҳурмат қилишга ҳам тайёрланиб боришар-

ди. Ҳозир эса ҳаммаёқда пуллик спорт секциялари очилган. Аммо барчаси спортчи бўлиб чиқаётгани йўқ-ку! Ёки ўша секциялар ҳамма бекорчи ёшларни жалб қила олганми? Аввало нисонини меҳнат тарбиялашини унутмаслик керак.

**С. АБДУРАҲМОНОВ,
милиция сержанти.**

ҚАДРЛИ МУХЛИСЛАР! ОБУНА МАВСУМИ 15 НОЯБРГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛДИ. ИМКОНияТдан ФОЙДАЛаниНГ!

«Постда» — СИЗ ИСТАГАН РУЗНОМА!

АГАР —

ҲУҚУҚИЯ МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЗСАНГИЗ,
ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАН ТАН ИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
ҚАТАҒОН ЙИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,
ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН КУРАШ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,
ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ
ЭШНТИЛИШНИНН ХОҲЛАСАНГИЗ,
АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,
СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.
У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РУЗНОМАДИР.
ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СЎМ 60 ТИЙИН, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СЎМ 80 ТИЙИН,
УЧ ОЙГА 3 СЎМ 90 ТИЙИН.
ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.
КЕЛГУСИ ЙИЛИ РУЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА
НАРХИ ЭСА ЎЗГАРМАЙДИ.



Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26399 нускада чоп этилди.